

Илмий мақола чоп этишда нуфузли журналларни танлаш

2021 йил 1 май куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳамда институтнинг Бухоро ва Қарши филиаллари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ҳамда докторантларининг халқаро илмий маълумотлар базаси (Scopus ва WoS)дан самарали фойдаланишлари, халқаро талаблар асосида нуфузли хорижий илмий журналларга мақолалар тайёрлаш, топшириш ҳамда h-ҳирш индекс кўрсаткичларига оид билим ва кўникумаларини оширишга қаратилган семинар - тренинг ташкил қилинди. Семинар - тренинг проф. Обид Турсунов спикерлигига “Йиртқич нашриётларда мақола чоп қилиш оқибатлари ва сифатли нашриётларни танлаш механизмлари” мавзусида ўтказилди.



Семинар-тренингда институтимиз ҳамда филиаллардан 750 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, докторантлар қатнашиши. Қатнашчилар “йиртқич” журналларни аниқлаш, мақола тайёрлашда Scopus ва WoS базаларида индексация қилинган Q1 ва Q2 квартилли илмий журналларни танлаш бўйича тўлиқ маълумотлар олишди. Мақолани чоп қилиш ҳамда мақолани ёзиш услублари ва уни чоп этишда кузатиладиган муаммолар, уларни бартараф қилиш бўйича бир қатор фикрлар алмашилинди. Спикер проф.Обид Турсунов томонидан мақола сифатини оширишдаги асосий кўрсаткичлар бўйича тушунтиришлар мисоллар тариқасида кўрсатиб берилди. Семинар савол - жавобларга бой тарзда ўтди.



ТИҚҲММИ Илмий бўлими ахбороти

ТИҚҲММИ матбуот хизмати